

**Жамғарма депозит  
ШАРТНОМАСИ №\_\_\_\_\_/2020**\_\_\_\_\_ ш.

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г.

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда «Банк» деб номланади) номидан №\_\_\_\_\_ сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ филиали Бошқарувчиси \_\_\_\_\_, ва \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «Депозитор» деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_, иккинчи тарафдан, биргаликда эса «Томонлар» деб юритилувчилар ушбу шартномани (кейинги ўринларда «Шартнома» деб юритилади) қуидагилар тўғрисида туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Депозитор Банкга \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм (кейинги ўринларда «Депозит» деб юритилади) миқдоридаги пул маблағлари депозит ҳисобварагига келиб тушган кундан 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача жамғарма депозит сифатида беради.
- 1.2. Мазкур Шартномада кўрсатилган муддат давомида берилган депозит маблағдан фойдаланганилиги учун Банк Депозиторга 365 кун хисоблаган ҳолда йиллик \_\_\_\_% (\_\_\_\_ фоиз) миқдорида устами ҳақи тўлайди.
- 1.3. Депозит бўйича фоиз тўловлари ойма-ой ва депозитни қайтариш кунида амалга оширилади.
- 1.4. Ушбу шартномани амал қилиш муддати давомида депозитор томонидан дастлабки суммасига қўшимча маблағлар киритиб борилиши мумкин.

**2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ****2.1. Депозиторнинг мажбуриятлари:**

- 2.1.1. Шартномани 1.1. бандида кўрсатилган депозит маблағини 5 (Беш) банк иш кунида Банк томонидан очилган № 206\_\_\_\_\_, МФО 0\_\_\_\_\_, жамғарма депозит ҳисоб рақамига мазкур Шартномада кўзда тутилган шартларда жамғарма депозит сифатида жойлаштириш учун ўtkазиб беради.
- 2.1.2. Депозитни муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтариб беришни талаб қилишдан олдин, Банкни депозит қайтариладиган санадан камида бир ой олдин ёзма равишда огохлантиради.
- 2.1.3. Депозит ҳисоб рақамини очиш учун сўралган барча керакли хужжатларни Банкга тақдим этади.

**2.2. Банкнинг мажбуриятлари:**

- 2.2.1. Депозитор номига жамғарма депозит ҳисобвараги очади.
- 2.2.2. Депозитор тарафидан жойлаштирилган депозитни бутлигини таъминлайди.
- 2.2.3. Депозитдан фойдаланганилик учун тўланадиган фоизларни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 764-моддаси ва «Тижорат банкларда фоиз ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги (А.В. 1306-сон 30.01.2004 й.) Низомга асосан амалга оширилади.
- 2.2.4. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида Депозиторга Депозит бўйича фоизларни ҳар ойда, ойнинг охирги кунини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб боради ва кейинги ойнинг 5 (беш) банк иш куни давомида тўлаб боради. Агар тўловларни ўтказиш куни дам олиш кунига тўғри келса, кейинги банк иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўлаб борилиши лозим.
- 2.2.5. Банк депозит бўйича ҳисобланган фоизлардан даромад солиғини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва меъёрий хужжатларда белгиланган миқдорда ушлаб колган ҳолда утказиб боради.

2.2.6. Мазкур Шартноманинг 1.1. бандида келтирилган муддат тугагач депозит суммаси ва қолган фоизларини Депозиторнинг ҳисобварағига ўтказади. Агар тўловларни ўтказиш куни дам олиш кунларига тўғри келса кейинги банк иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ўтказиб беради.

2.2.7. Депозитни тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин олиш бўйича Депозитордан талабнома олинган тақдирда, Банк бундай талабнома олинган санадан бир ойдан кам бўлмаган муддатда Депозиторга Депозит суммасини тўлиқ ёки бир қисмини талабномага мувофиқ ҳолда ва фоизларни маблағдан фойдаланган давр учун йилда 365 (уч юз олтмиш беш) кун ҳисобидан келиб чиқадиган йиллик 2% (икки фоиз)дан ҳисоблаб ўтказади. Бунда депозит учун аввал утказилган фоизлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, асосий депозит суммасидан ушлаб колинади.

Депозитни қисман муддатидан олдин қайтарилигтан тақдирда, депозитни қайтариши амалиёти амалга оширилган кундан кейинги куннинг бошланиши ҳолатига, амалда қолган қисмига нисбатан фоизлар йилда 365 (уч юз олтмиш беш) кун ҳисобидан келиб чиқадиган йиллик \_\_\_\_\_ % (\_\_\_\_\_ фоиз)дан ҳисобланади.

2.2.8. Депозит маблағи тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин Банкнинг ташаббуси билан қайтарилигтан тақдирда, муддатидан аввал қайтарилигтан суммага нисбатан мазкур шартноманинг 1.2. бандида белгиланган микдорида ҳақиқатда фойдаланган кунлар учун фоизлар хисоблаган ҳолда ўтказилади.

Депозитни қисман муддатидан олдин қайтарилигтан тақдирда, депозитни қайтариши амалиёти амалга оширилган кундан кейинги куннинг бошланиши ҳолатига, амалда қолган қисмига нисбатан фоизлар йилда 365 (уч юз олтмиш беш) кун ҳисобидан келиб чиқадиган йиллик \_\_\_\_\_ % (\_\_\_\_\_ фоиз)дан ҳисобланади.

2.2.9. Депозиторнинг ёзма сўровномасига асосан тўлов манбаидан ушлаб қолинган солиқлар тўғрисидаги маълумотномани Депозиторга тақдим этади.

2.2.10. Банк томонидан Депозиторнинг Депозит бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Депозиторга унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиши тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юборади.

2.2.11. Банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун Депозитдан маблағлар Депозиторнинг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Депозиторга унинг ҳисобварағидан қанча микдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юборади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

#### 3.1. Депозитор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Депозитор депозитни тўлиқ ёки қисман шартномада кўрсатилган муддатга кадар муддатидан олдин қайтариб олиш. Бунда Банк Депозиторга Депозитни амалда жойлаштирилиган муддат учун фоизларни мазкур Шартноманинг 2.2.7. бандида келтирилган шартларга асосан тўлаб беради.

3.1.2. Банкнинг ташаббуси депозит тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин қайтарилигтан тақдирда муддатидан аввал қайтарилигтан суммага мазкур шартноманинг 1.2.-бандида белгиланган фоиз микдорида депозитдан ҳақиқатдан фойдаланилган кунлар учун фоизларни олиш.

#### 3.2. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Мазкур шартномани шартларини ўзгаритириш бўйича таклиф билан

Депозиторга мурожаат қилиш. Мазкур шартнома шартларига киритилган ўзгартиришлар Депозиторнинг розилиги ва шартномага қўшимча келишув бўлган тақдирда амалга оширилади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Мазкур шартномада бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. Мазкур шартномада белгиланган тўловларни ўз муддатида амалга оширилмаган тақдирда, тўловни кечикиригган тараф тўловлар кечикирилган ҳар бир кун учун асосий қарз суммасининг 0,05% миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

4.3. Пеняларни тўлаш тарафларни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.4. Марказий банк қонун хужжатларида назарда тутилган барча зарурий хужжатлар тақдим этилганидан кейин банк томонидан ҳисобвараклар очища сабабсиз кечикирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур турдаги ҳисобварак очиш учун ортиқча хужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.5. Қонун хужжатларида ўрнатилган Депозит ҳисобварагига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун хужжатларида белгиланган муддатлари Банк томонидан бузилган тақдирда, у Депозиторга кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин кечикирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечикиримасдан олувчининг ҳисобварагига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, Депозитор Банқдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечикирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун хужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш хукуқига эга.

#### **5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Шартнома тарафлар ўртасида имзоланган ва депозит ҳисоб рақамига маблағлар жойлаштирилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

5.2. Томонларнинг икки тарафлама розилигига асосан Шартномага қўшимча келишув тузилиб, унда келишилган шартлар асосида депозит муддати узайтирилиши мумкин. Бунда манфаатдор томон иккинчи томонга депозит амал қилиш муддати тугашидан камида 3 кун олдин таклиф билан мурожаат қиласди.

5.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равища ёзилиб, иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, муҳрлари билан тасдиқланган тақдирдагина хақиқий ҳисобланилади.

5.4. Бир томон иккинчи томонни 30 (Ўттиз) банк иш кунидан кам бўлмаган муддатдан аввал огоҳлантирган ҳолда, унинг ёзма розилигига асосан Мазкур шартномани бекор қилиши мумкин.

## 6. МАХФИЙЛИК

- 6.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.
- 6.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахбротлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қиласди.
- 6.3. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча заарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1. Тарафлар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги яъни тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари, ижтимоий-иктисодий ҳолатлар сабабли шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаган тақдирда жавобгарликдан озод килинадилар.
- 7.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик ва бошқалар), ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.
- 7.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Тарафларнинг почта манзиллари, мулкчилик шакли ва реквизитлари ўзгарган тақдирда бири бирларини ушбу ўзгартиришлар кирилган кундан бошлаб 10 (үн) кун ичида таъсис хужжатлари ва бошқа расмий маълумотларни тақдим қилган холда огоҳлантириш мажбуриятини оладилар. Акс холда эски реквизитлар бўйича пул маблағларни ўтказиб юборган ёки хабарномалар юборган тараф Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади.
- 8.2. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этидилар. Агар тарафлар келишмовчилик ванизоларни тинч йўл билан ҳал этишга эришолмаган тақдирда, мазкур келишмовчилик ва низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

8.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

**9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**

**«Банк»**

**«Hamkorbank» АТБ**

\_\_\_\_\_ филиал манзили \_\_\_\_\_

Тел/факс (8 3\_\_\_\_) \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_

Алока маркази: 0 800 1-200-200

e-mail: contact@hamkorbank.uz

д/х 206 \_\_\_\_\_,

МФО 0\_\_\_\_\_, ИНН\_\_\_\_\_, ОКОНХ 96120

**«Депозитор»**

\_\_\_\_\_ ташкилот номи\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ адрес \_\_\_\_\_

Телефон (+998 7\_\_\_\_) \_\_\_\_\_

x/p 202 \_\_\_\_\_

в \_\_\_\_\_ МФО 0\_\_\_\_\_, ИНН:

\_\_\_\_\_ ваколатли шахс лавозим\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ филиали бошқарувчиси

\_\_\_\_\_

Бош бухгалтер

Бош бухгалтер